

ORGANIZATIONAL AND LEGAL BASIS OF INSURANCE ACTIVITY**Rustamov Sherzod Rakhmataliyevich**

Master of Tashkent State University

Abstract: Audit of insurance companies, its legal basis and significance An audit of an insurance company begins with the identification of its constituent documents and a certificate of state registration. It is necessary to pay attention to the correctness of the charter of the insurance company and its changes (if the charter capital has changed), the composition of the founders, the organizational and legal form of the company, legal address, etc.

СУҒУРТА ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛИЙ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ**Рустамов Шерзод Рахматалиевич**

ТДИУ магистри

Суғурта ташкилотлари аудити, унинг ҳуқуқий асослари ва аҳамияти

Суғурта компанияни аудит текшируви унинг таъсис ҳужжатлари ва давлат рўйхатидан ўтганлиги ҳақида гувоҳномаси мавжудлигини аниқлашдан бошланади. Бунда суғурта компаниянинг устави ва ундаги ўзгаришлар (агар устав капитали ўзгарган бўлса) тўғри ёритилганлигини, таъсисчилар таркиби, компаниянинг ташкилий-ҳуқуқий шакли, юридик адреси ва ҳоказоларга эътибор бериш зарур. Буларнинг барчаси тўғри расмийлаштирилган бўлиши керак, агарда ўзгаришлар булган бўлса унда ўзгаришлар қабул қилинган мажлиснинг баёни мавжудлиги, қонунчилик билан белгиланган тартибда қайд қилинганлигини текширишга эътибор берилиши керак. Уставга киритилган ўзгаришлар ҳақида суғурта компанияси суғурта фаолиятини назорат қилувчи давлат ваколатли органи хабардор қилиши керак. Агар назорат қилувчи орган ўзгаришлар ҳақида хабардор қилинмаган бўлса, компания суғурта қонунчилигини бузган бўлади ва назорат қилувчи орган унга қонунда белгиланган тартибда чораларни кўллаши мумкин. Йўл қўйилган бундай тартибни бузиш мавжуд бўлган ҳолда аудиторлар компания раҳбариятига бундан келиб чиқиши мумкин бўлган оқибатлар ҳақида хабар бериши керак.

Устав капитали тўлиқлигини ва уни ўз вақтида тўланганлигини текширишга катта эътибор бериш керак.

Суғурта компания амалдаги қонунчиликда белгилан миқдордан кам бўлмаган устав капиталга эга бўлиши керак. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 27 ноябр 2002 йил 413 сонли Қарорига асосан суғурта компанияларни минимал устав фондлари қўйидаги миқдорда белгиланган:

- ҳаётни суғурталаш соҳасида – 250 минг АҚШ долларига тенг миқдорда;
- умумий суғурталаш соҳасида – 150 минг АҚШ долларига тенг миқдорда;
- қайта суғурталаш соҳасида (агар компания фаолияти фақат қайта суғурталашдан иборат бўлса) – 2 млн. АҚШ долларига тенг миқдорда;
- мажбурий суғурталаш бўйича – 500 минг АҚШ долларига тенг миқдорда.

Суғурта бозорини ривожлантириш, ундаги иқтисодий ислохотлар жараёнини чуқурлаштириш, иқтисодий рағбатлантиришни кучайтириш, суғурта компанияларни моддий-техник базасини кучайтириш, уларни молиявий барқарорлигини таъминлаш ва ҳоказо мақсадларни кўзлаб Ўзбекистон Республикасининг 31 январ 2002 йил УП-3022 сонли Фармони билан суғурта компаниялар 2002 йил 1 февралдан уч йил муддатга уларни даромадларига солинадиган солиқдан озод қилиндилар¹.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат назорати тизимини такомиллаштиришга доир айрим чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони, 16 феврал 2004 йил.

Шу билан бирга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1155 сонли 2002 йил 25 июнда қабул қилинган “Юридик шахсларга солиқ, божхона ва бюджет мажбурий тўловлари бўйича тақдим этилган имтиёзларни бухгалтерия ҳисобида расмийлаштириш ва акс эттириш тартиби ҳақидаги Низом” номли Қарорига асосан даромад солиғи молиявий натижалар ҳақидаги ҳисоботда акс этг ирилади, лекин ҳисобланган солиқ бўйича кредиторлик қарзи мақсадли йўналтирилган тушимлар бухгалтерия счётига қайта класификация қилинади.

Аудитор суғурта компаниянинг устав капитални бухгалтерия балансининг пассивида ва уни уставда кўрсатилган миқдорини солиштириб кўриши керак (улар бир хил бўлиши керак), устав капитални тўғри тўланганлигини текшириши керак. Янги тузилган суғурта компанияси белгиланган устав капитални суғурта фаолияти билан шуғуланишга руҳсат берувчи лицензияни олгунга қадар 100 фоиз тўланиши керак. Фаолият олиб бораётган суғурта компания ўз устав капитални миқдорини ўзгартирган бўлса, унда ўзгаришларни тўғри расмийлаштирилганлигини текшириш лозим (қарор қабул қилинган мажлис баённомасини мавжудлигини, устав капитални ўзгарганлигини компания уставида ва давлат рўйхатидан акс эттирилганлигини ва ҳоказо).

Агарда суғурта компания ўз устав капитални миқдорини оширилишини эълон қилса, унда у ўзгаришлар рўйхатга олинган кундан бошлаб бир йил муддат ичида уни тўлаши керак. Ҳамда шуни такидлаш лозимки, устав капитални ошириш ҳақидаги қарор фақатгина ундан олдин эълон қилинган устав капитал миқдори 100 фоизга тўланганидан кейин қабул қилиниши мумкин. Агар белгиланган муддат ичида (бир йил) устав капитални тўлиқлигича тўланмаса, унда уни қисқартириш ҳақида қарор қабул қилиниши керак.

Устав капитални тўланганлиги суғурта компаниянинг ҳисоб рақамига устав капитални тўлаш ҳисобига тушган маблағлари тўғрисидаги банк маълумотномаси билан тасдиқланиши керак ҳамда тўлов ҳужжатларни нусхалари билан (тўлов топшириқномаси ва х.к.).

Устав капитал ҳисобига тўловларнинг 90 фоизидан кам булмаган миқдори таъсисчиларнинг пул маблағларидан ташкил қилинади.

Агар устав капиталга тўлов мулк билан амалга оширилаётган ва устав капиталга утказилаётган мулкга барча эгалик ҳуқуқлар компанияга ўтаётган бўлса, унда мулк эгаси унга ушбу мулкка эгалик қилиш ҳуқуқини тасдиқловчи барча ҳужжатларни тақдим этиши керак. Мулк компанияга ўтиши унинг баҳосини аниқлагандан кейин (мустақил баҳоловчилар томонидан) қабул қилиш – топшириш акти билан тасдиқланиши керак. Шуни ҳам айтиш лозимки устав капитални ҳисобига утказилаётган мулк барча мажбуриятлардан (гаровга қўйилган, солиқ ёки прокуратура органлари томонидан “қамокқа” олинган) озод бўлиши керак.

Аудитор шуни назарда тутиш керакки, устав капитал ҳисобига патент, муаллифлик ҳуқуқи объектлари (компьютер дастурлари ҳам шу қаторда), яъни интеллектуал мулк объектлари ёки “ноу-хау”лар киритилиши мумкин эмас. Аммо, қонунчиликда белгиланган тартибда, рўйхатга олинган лицензия шартномасига асосан, бундай объектларни суғурта компаниясига фойдаланиш ҳуқуқи бериш устав капитал ҳисобига олиниши мумкин.

Устав капитал ҳисобига ошириладиган тўловлар қандай шаклда бўлмаслигига қарамай унинг иштирокчиси (акциядор) унга тўлов оширишдан озод қилинмайди.

Суғурта компаниялар устав капиталларини ўз маблағлари ҳисобидан оширишлари мумкин (тақсимланмаган фойда, жамғарма фонди, истъёмол фонди). Бу ҳолда аудитор устав капитални ўзгартириш ҳақидаги қарор мавжудлиги, капитализация қилиш ҳақидаги қарорни қабул қилишда асос бўлган суғуртачини балансини, ҳисобланган лекин тўланмаган дивидендларни капитализация қилинишига акциядорларни розилигини тасдиқловчи ҳужжатлар мавжудлигини текшириш ва танишиб чиқиши керак.

Текшириш давомида суғуртачининг устав капитални миқдорини ўзгаришини тўғри акс эттирилганлигига эътибор берилади, янги эълон қилинган устав капитал миқдори фақатгина компания уставини давлат рўйхатидан ўтгандан кейин бухгалтерия балансида акс эттирилади. Балансининг пассив қисмида - устав капитал суммаси кўрсатилади, активда – таъсисчиларнинг (акциядорларнинг) устав капитал ҳисобига тўловлари бўйича қарзлари кўрсатилади.

Суғурта фаолиятиёни амалга ошириш учун махсус ҳужжат, лицензияга эга бўлиш керак. Бу ҳужжат Давлат суғурта назорати томонидан берилади. Лицензияда куйидаги маълумотлар албатта кўрсатилган

бўлиши шарт: суғуртачининг номи, унинг ҳуқуқий манзили, суғурта фаолиятининг турлари, лицензия номери ва у берилган сана, лицензия амал қиладиган ҳудуд. Агар лицензия вақтинчалик бўлса, унда лицензиянинг амал қилиш муддатлари аниқ кўрсатилиши лозим. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 8 июн, 286 сонли “Суғурта фаолиятини давлат томонидан бошқариш чора-тадбирлари ҳақида”ги қарорига асосан “Суғурта компанияларини рўйхатга олиш тартиба тўғрисида тушунтиришлар” ишлаб чиқилган эди. Ушбу тушунтиришларга биноан Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги қошидаги суғурта назорати бўйича Давлат инспекцияси белгиланган қонунчилик асосида суғурталовчиларни ягона реестрга киритади. Бунда у албатта, муайян рўйхатга олиш идоралари (адлия идоралари, ҳокимликлар) томонидан юридик шахс сифатида рўйхатга олинган ва алоҳида суғурта фаолияти билан шуғулланиш бўйича лицензия олган суғурта компанияларинигина реестрга киритиши керак.

Шундай қилиб, суғурта ташкилотларининг Молия Вазирлигида рўйхатга олинишининг, рўйхатга олувчи муайян идораларнинг юридик шахс сифатида давлат рўйхатига олинишининг ўрнини босмайди.

Агар суғуртачининг фаолияти фақатгина қайта суғурта қилишдан иборат бўлса, унда суғуртачи айнан шу фаолият тури, яъни қайта суғурта қилиш бўйича лицензияга эга бўлиши, аниқроғи унинг лицензиясида ана шу суғурта тури белгилаб кўрсатилиши керак. Текширув жараёнида аудитор суғурталовчи томонидан амалга оширилаётган суғурта турлари ва унинг лицензиясида қайд этилган суғурта турларининг бир-бирига мувофиқ келишини аниқлаш керак. Шунингдек, аудитор суғуртачи амалга ошираётган фаолият турларининг амалдаги қонунчиликка мувофиқлигини ҳам аниқлаши лозим. Ўзбекистон Республикасининг “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги қонунига биноан ишлаб чиқариш фаолияти, савдо-воситачилик ва банк фаолият турлари суғуртачиларнинг бевосита фаолият тури бўлиши мумкин эмас.